

## А Ж Р И М

2022 йил октябрь ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўзининг биносида, судья С.Нишановнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Ахроровнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент махсус прокурорининг ёрдамчиси С.Мирзахмедов, Биринчи минтақавий ҳудуд 49-сон манзил колонияси вакили Ш.Жураев, маҳкум М.Атаевнинг иштирокида, маҳкум М.Атаев томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасини қўллаб, ўталмаган жазосини енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Атаев Музаффар Сапарбаевич (ATAEV MUZAFFAR SAPARBAYEVICH)** 05.09.1993 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вақтинча ишсиз бўлган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 03.05.2012 йилдаги ажримига асосан ЎР ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси тартибида ҳаракатдан тугатилган. Қамалгунга қадар, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ю.Ражабий МФЙ Самарқанд кўчаси 22-уй 35-хонадонда доимий рўйхатда туради.

Суд, илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб ва таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД Биринчи минтақавий ҳудуд 49-сон манзил колониясида жазо ўтаётган маҳкум М.Атаев жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судига ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасини қўллаб, ўталмаган жазосини енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги илтимоснома билан муурожаат қилган.

Маҳкум М.Атаев жиноят ишлари бўйича М.Улуғбек туман судининг 2022 йил 17 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳкум қилинган.

Жазо муддатининг бошланиши: 13.01.2022 йил

Жазо муддатининг тугаши: 13.01.2025 йил

Судда сўралган муассаса вакили Ш.Жураев, маҳкум М.Атаевни манзил колониясига келтирилган кундан буён таниши, муассасада жазони ўтаган вақтида интизомий жазога тортилмаганлигини, ички тартиб-қоидаларни бузмаганлигини, 2022 йил 13 октябрь куни ҳолатига жазонинг тўртдан бир қисмидан кўпини ҳақиқатда ўтаб



бўлгани, муассаса томонидан ижобий тавсифлангани, маҳкум М.Атаевни 20.10.2022 йилдаги комиссияда жазосини енгилроғига алмаштириш масаласини кўриб чиқилганлигини билдириб, манзил колонияси томонидан берилган тавсифномада колонияга келганига уч ой бўлмаганлиги сабабли тавсифи тўлиқ ўрганилмаганлиги, ички тартиб-қоидаларни бузмаганлигини, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини билдириб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасини қўллаб, жазони енгилроғи билан алмаштиришни, илтимосномани қаноатлантиришни сўради.

Судда сўралган маҳкум М.Атаев тақдим этилган илтимосномани қувватлаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа енгилроқ жазога алмаштиришни сўраб кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси 1-қисмида, озодликдан маҳрум этилган, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкинлиги;

2-қисмида, жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, ишдаги ҳужжатларга кўра маҳкум М.Атаевни 26.10.2022 йил ҳолатига ўталган жазо муддати 9 ой 13 кунни, ўталмай қолган жазо муддати эса 2 йил 2 ой 17 кунни ташкил этади.

Суд, тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, прокурорнинг маҳкум М.Атаевнинг ўталмай қолган жазо муддатини енгилроғига алмаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, юқорида қайд этилган қонун талабларига кўра ҳамда маҳкумнинг жазони ўташ даврида манзил колонияси томонидан берилган тавсифномада колонияга келганига уч ой бўлмаганлиги сабабли тавсифи тўлиқ ўрганилмаганлиги, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлигини, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини, оила аъзолари билан яхши муносабатда эканлигини, жазонинг тўртдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганлигини инobatга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 536, 542-моддаларига амал қилиб, суд



## **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Маҳқум Атаев Музаффар Сапарбаевич (ATAEV MUZAFFAR SAPARBAYEVICH)нинг тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Маҳқум М.Атаевнинг ўталмай қолган 2 йил 2 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилсин.

Жазо муддати маҳқум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ички ишлар органлари томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтаттирилсин.

Маҳқум М.Атаевга жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса, суд унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлаши тушунтирилсин.

Ажрим ижро қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳузуридаги ЖИЭДга қарашли Биринчи минтақавий ҳудуд 49-сон манзил колонияси ва маҳқумнинг яшаш манзили бўйича туман (шаҳар) ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб йигирма кун ичида шу суд орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят бериши ёки протест келтиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи:**

/имзо/

**С.Нишанов**

ажрим нусхаси  
аслига тўғри:

